# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 21 ноябрь, № 226 (6156) Жума




Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари ички бозорни импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришга интилишмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш даражасини янада яхшилашда айни муддао бўлаётир.

# КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖИ

мамлакатимиз экспорт имкониятларининг кенгайишида муҳим аҳамиятга эга



ИСЛОҲОТ

Биргина Хоразм вилоятида жорий йилнинг 9 ойида 938 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 75,2 фоизга етгани ана шундан далолат беради. Бунда, табиийки, ўтган давр ичида тижорат банклари томонидан уларга 296,7 миллиард сўмлик кредитлар ажратилгани муҳим омил бўлди.

Ҳазорасплик Рўзимбой Отажонов — воҳада яратилган ана шундай қулай ишбилармонлик муҳити ва кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз бизнесини ривожлантираётган ишбилармонлардан бири. Гап шундаки, у 2013 йилнинг баҳорида Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган импорт ва экспорт маҳсулотлари халқаро ярмаркасида қатнашиб, энг сўнгги русумдаги полипропилен қоплар ишлаб чиқариш технологиясини харид қилиш бўйича келишувга эришган эди. Шунга мувофиқ, жорий йилда тадбиркор туман марказида 7 турдаги шундай маҳсулот тайёрлашга ихтисослаштирилган "Ҳазорасп агродеталь" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди. Бунинг учун эса банк кредити ва ўз маблағи ҳисобидан 420 миллион сўм сарфлади.

Айни пайтда 20 киши меҳнат қилаётган жамоа томонидан ойига 150 миллион сўмлик полипропилен қоп ишлаб чиқарилмоқда. Эътиборлиси, бу ерда барча иш жараёни замонавий компьютерлар ёрдамида бошқарилиши иш самарадорлигини ошириш имконини бермоқда.

(Давоми 3-бетда).

## САЙЛОВ — 2014

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти бошланди.**
**Бугунги сонда мухбирларимизнинг Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси раҳбарлари билан суҳбати эълон қилинмоқда.**

2-саҳифага қаранг.

## МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*Навоий шаҳрида ўтган йили Буюк Британиянинг "Nationwide Technologies Limited" компаниясининг 1,5 миллион долларлик сармояси эвазига фосфор уни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Навоий Миллинг" чет эл корхонаси ташкил этилганди.*

### Муҳандислар ихтироси

Эътиборли жиҳати, бу ердаги ишлаб чиқариш технологияси маҳаллий муҳандислар томонидан ихтиро қилинган бўлиб, унинг ёрдамида халқаро стандартларга мос маҳсулотлар тайёрланмоқда. Буни биргина шу йилнинг тўққиз ойида 2 миллион 300 минг доллардан зиёд фосфор уни экспорт қилинганидан ҳам билиш мумкин.

— Ҳозир ишчиларимиз сони 100 нафарга етди, — дейди корхона раҳбари Владимир Ганенко. — Тез орада оҳак ишлаб чиқаришни бошлаймиз. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши билан қўшимча 100 та иш ўрни юзага келади.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ҳамкорлар электрон савдолар орқали топилди

*Когондаги "Кнауф-Гипс" корхонаси "Қалдирғоч Фарм Нур" масъулияти чекланган жамиятининг дастлабки мижози бўлди. Бухоро шаҳрида ўз фаолиятини бошлаган мазкур кичик корхона "Кнауф-Гипс" буюртмасини муваффақиятли бажарди.*

— Корхонамиз иш қўлқоплари, нотўқима мато ҳамда сочиқ ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, — дейди ёш тадбиркор Нурхонбек Аҳмадов. — Бизнес лойиҳани амалга оширишимизда банк томонидан ажратилган 190 миллион сўмлик кредит маблағи қўл келди. Унга ўз сармоямизни қўшиб, зарур технологияларни сотиб олдик. Биржа орқали уюштириладиган электрон савдоларда қатнашиб, янги ҳамкорлар топишга ҳам улгурдик.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Қишда ҳам нархи ўзгармайди

*Қашқадарёда аҳолини қиш-баҳор мавсумида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан барқарор таъминлашга пухта ҳозирлик кўрилмоқда.*

— Шу кунга қадар 50 минг тоннага яқин мева-сабзавот жамғарилди, — дейди вилоят иқтисодиёт бошқармаси мутасаддиларидан бири Наврўз Ҳакимов. — Бу орқали мавсумда нарх-навони мўътадил сақлаб туришни кўзлаяпмиз. Айни пайтда вилоятда 53 та совутқичли омборхона мавжуд. Жорий йилда умумий ҳажми 1250 тонналик 5 та ана шундай янги объект ишга туширилди. Шунингдек, мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда, 20 минг тоннадан зиёд маҳсулот бозорлар, савдо корхоналари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими муассасаларидаги 200 дан ортиқ махсус омборхоналарга жамғарилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Иқтисодиёт реал сектори ва модернизация

*Тошкент шаҳрида иқтисодиёт реал сектори корхоналарини модернизация қилишда молия-банк тизимининг иштирокига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.*

АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси, Банк-молия академияси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, илмий тадқиқот муассасалари вакиллари, молия-кредит ташкилотлари экспертлари қатнашди.

Таъкидландики, мамлакатимизда молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, унинг барқарорлигини таъминлаш устувор вазифалардан биридир. Бунинг учун қўшимча инвестициялар жалб қилиниб, тижорат банкларининг ресурс базасини кенгайтириш, инвестициявий фаоллигини ошириш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирлар кўрилаяпти. Давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 26 ноябрда имзоланган "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарор бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаяпти.

Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар натижасида кўрсатилаётган молиявий хизматлар кўлами тобора кенгайиб, аҳолининг банкларга бўлган ишончи мустаҳкамланаяпти. Айтайлик, биргина 2014 йилнинг 10 ойи давомида иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар умумий ҳажми 31,8 триллион сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 30,8 фоиз ўсишга эришилди. Инвестиция кредитлари ҳажми эса 7,2 триллион сўмдан ошиб, ўсиш суръати 24,1 фоизга етди.

Анжуманда сўзга чиққанлар алоҳида қайд этганидек, буларнинг барчаси мамлакатимизда банк тизими барқарор ривожланаётганининг ёрқин ифодасидир. Бу эса, ўз навбатида, халқаро миқёсда муносиб баҳоланмоқда. Жаҳондаги етакчи "Fitch Ratings", "Standard & Poor`s", "Moody`s" рейтинг агентликлари республикамизнинг барча тижорат банкларига барқарор рейтинг кўрсаткичларини бергани бунга яққол мисол бўла олади.

Конференцияда банклар томонидан иқтисодиётимизнинг таянч устунларидан бирига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар самараси ҳақида ҳам маълумотлар берилди. Экспертларнинг долзарб мавзулардаги маърузалари тингланди.

Якунда мамлакатимиз молия-банк тизимини барқарор ривожлантириш масаласи бўйича амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

**С. РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИГА




*Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан Олий суд, Олий хўжалик суди ва Бош прокуратура билан ҳамкорликда Асосий Қонунимиз қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишлаб "Конституция ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд ва прокуратура органлари роли ва масъулиятининг янада оширилиши" мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.*

## Инсон ҳуқуқларининг мустаҳкам кафолати

Унда парламент аъзолари, суд ва прокуратура органлари, вазирлик ҳамда идоралар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, таълим муассасалари вакиллари иштирок этди.

Конференцияда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган Конституциямиз ўтган даврда юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини, тинчлик-хотиржамликни, сиёсий барқарорликни, ижтимоий тотувликни, иқтисодий тараққиётни таъминлаб келаётганини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, Асосий Қонунимизда у давлат ва халқ иродасини ифода этиши, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи Ўзбекистон халқи эканлиги, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгилаб берилган. Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳар қандай демократик давлатнинг асосий ҳал қилувчи шарти бўлган ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизми шакллантирилди.

Конституциямиздаги инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши принципининг ҳаётга татбиқ этилишида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятлар билан бир қаторда суд ҳокимиятининг ҳам муҳим ўрни бор. Шу боис мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш ва эркинлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, шу бўйича янги концепция амалиётга жорий қилинди. Чунончи, судлар ихтисослаштирилди, Конституциявий суд, хўжалик судлари ташкил этилди, умумий юрисдикция судлари фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судларга ажратилди, судлар суд қарорларини ижро этиш каби ўзларига хос бўлмаган вазифалардан озод қилинди. Суд тизими ходимларининг ижтимоий ҳимояси янада кучайтирилди ва қатор бошқа тадбирлар амалга оширилди.

(Давоми 3-бетда).

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

*«Ўзкўргазмасавдо» марказида боғдорчилик, полизчилик, асаларичилик ва гулчилик соҳасидаги «Agro Food — 2014» халқаро кўргазмаси очилди.*

Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, халқаро ташкилотлар кўмагида «Expocontact» масъулияти чекланган жамияти ҳамда Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази томонидан ташкил этилди.

Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигининг изчил ислоҳ этилаётгани, фермерлик ва агробизнес ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани самарасида мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти юксалмоқда. Аграр соҳага жорий этилаётган янги технологиялар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти ҳажмини ошириш имкониятларини тобора кенгайтирмоқда.

Кўргазмада 70 дан ортиқ фермер хўжалиги, агрофирма, асаларичилик ва гулчилик соҳаси вакиллари, илмий тадқиқот институтлари, шунингдек, халқаро ҳамкорлар иштирок этмоқда.

(Давоми 3-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2014 йилнинг тўққиз ойида хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши**

**50,1** фоизга етди.

Мазкур соҳани жадал ривожлантириш ва қишлоқ аҳолисининг замонавий хизмат турларидан фойдаланишини кенгайтиришга доир изчил чора-тадбирлар кўрилгани, хусусан, савдо, умумий овқатланиш, сервис ва маиший хизмат кўрсатиш бўйича минглаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилингани бу борада муҳим омил бўлди.

*«Халқ сўзи» газетаси мухбири Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Сарвар ОТАМУРАТОВ билан суҳбатлашди.*

# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ

**— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловчилар ҳузурига қандай мақсад ва ғоялар билан чиқмоқда? Партиянинг сайловлардан кейин амалга оширадиган ҳаракат дастури қандай масалаларни ўз ичига қамраб олган?**

— Сайловларга партиямиз пухта тайёргарлик кўрди. Ўтган даврда партия ташкилотлари ҳар томонлама мустаҳкамланди. Партия ғояси, дастурий мақсад-вазифаларини қўллаб-қувватловчи электорат шаклланди. Айниқса, яқинда бўлиб ўтган партиянинг III съездида тасдиқланган янги Сайловолди платформамиз ўз ичига бир қатор муҳим вазифаларни қамраб олганлиги билан алоҳида аҳамият касб этди.

Ушбу вазифалар ҳақида сўз юритишдан аввал, юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кенг миқёсли ислоҳотлар амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу ислоҳотлар замирида Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги ва Ўзбекистон манфаатлари мужассамдир. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йилларида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда бутун дунё тан олган салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Ватанимиз халқаро майдонда юксак обрў-эътиборга эришди. Юртимиз ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида салмоқли қадамлар ташлади. Мамлакатимизда демократик жараёнлар босқичма-босқич ва изчил ривожланиб бормоқда ҳамда одамлар онгида демократик қадриятлар янада кўпроқ қарор топмоқда. Жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли кучайиб, мамлакатимизда содир бўлаётган демократик янгиланишлар жараёнида уларнинг таъсири ортиб бормоқда.

Мамлакатда амалга оширилаётган жамиятни янгилаш ва туб ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этаётган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси миллий қадриятлар ва манфаатларни ҳимоя қилишни бош дастурий мақсад сифатида белгилади. Бунда миллий урф-одатлар ва анъаналарни, халқимизнинг бой тарихий меросини асраш ва уни замон руҳи билан бойитиш ҳамда миллий ғояни кенг тарғиб қилиб, уни аҳоли онгига сингдириш асосий вазифамиздир.

Бизнинг мақсадимиз — миллий ўзликни англаш ва миллий юксалиш орқали жонажон Ўзбекистонимизни дунёнинг тараққий топган давлатлар қаторига кўтаришдир. Бу улуғ мақсадга эришишда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси кимларга таянади? Биз, аввало, ижодкор зиёлилар, халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати намояндалари, маданият, санъат ва ахборот соҳаси ходимлари, Ватан туйғуси билан яшаётган ёшлар, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятларни, мамлакатимизнинг тарихий ва маданий бойлигини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ва янада купайтириш ғояларини қўллаб-қувватловчи фуқароларга таянамиз.

Партиямизнинг Сайловолди платформасида белгиланган мақсадларини эълон қилар эканмиз, унда акс этган масалалар босқичма-босқич ҳал этилаётганлигини таъкидлаб, бу масала ва муаммоларнинг ечимини топишга жўшқин руҳ бағишлаш, Ватанимиз тараққиёти йўлида янги таклифларни илгари суриш ҳамда партиянинг ваколати ва имкониятлари даражасида барча ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигимизни билдирамиз.

Сайловолди платформамиз келгусида партия ташкилотлари ва партиядан сайланган барча даражадаги депутатлар корпуси учун амалга ошириш зарур бўлган вазифалар дастуриламали ҳисобланади. Бу вазифаларнинг партия ғояси, мафкураси, ижтимоий қатлами ва электорати манфаатларига жавоб бериши, партиянинг куч ва имкониятларига мос келиши, энг муҳими, Ватанимиз ва халқимиз манфаатларига уйғун бўлишига ҳаракат қилдик. Шу боис сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, ахборот ва халқаро йўналишларда ўз зиммамизга олаётган вазифаларга миллий қадрият ва анъаналар ҳамда Ватанимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ёндашилди.

**— Ҳар бир партия сайловга кириб борар экан, ўз олдига, аввало, ижтимоий-сиёсий соҳада муҳим вазифалар қўяди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси бу борада қандай вазифаларни илгари сурмоқда?**

— Мазкур соҳадаги дастурий мақсадларни бажариш учун сиёсий муносабатлар тизимида миллий ғоямиз тамойилининг устуворлигини таъминлаш, жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асосларини, миллати, дини ва эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, Ўзбекистон халқи ва барча фуқароларнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш вазифасини ҳаётга татбиқ этиш истиқболдаги энг муҳим саъй-ҳаракатларимиз асосини ташкил этади.

Партиямиз миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш, миллий тикланиш ва ривожланишга кўмаклашадиган анъанавий демократик институтларни қўллаб-қувватлайди. Бу ўринда гап, биринчи навбатда, маҳалла ҳақида бормоқда. Тараққиёт, ривожланиш қаерда бўлади? Албатта, аҳиллик, ҳамжиҳатлик, меҳр-мурувват, меҳр-оқибат бор жойда. Айнан маҳалла ана шу қадриятларимизни асрлар давомида улуғлаб, эъзозлаб келмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси маҳаллани юксак маънавият маскани, деб билади. Шу сабабли биз маҳалланинг маънавий, ташкилий ва иқтисодий асосларини янада ривожлантиришга қаратилган қонунлар ташаббускори бўламиз.

**— Халқнинг миллий тикланиши, маънавий юксалиши мамлакатни ривожлантиришнинг муҳим шартидир. Шундай экан, "Миллий тикланиш" демократик партияси ушбу йўналишда қандай мақсад-вазифаларни белгилаб олди?**

— Бу борада партиямиз учун энг муҳим масалалар — маънавий-маърифий соҳада миллий ўзликни англаш ва миллий тикланиш жараёнларидан миллий юксалиш сари бораётган жамиятимиз олдида турган бугунги долзарб вазифалар акс эттирилди. Бунда "Юксак маънавият — енгилмас куч" ғоясини амалга ошириш партиямиз учун асосий вазифа бўлиб қолмоқда. Зеро, ушбу ғоя ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва маънавий қайта тикланишининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятни янгилаш, уни демократлаштиришга ундовчи асосий куч бўлиб хизмат қилмоқда.

Биз глобаллашув шароитида яшамоқдамиз, шунинг учун ҳам партиямиз ёшларимизни "оммавий маданият" ниқоби остида кириб келаётган бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилишда ташаббускор бўлади. Шу маънода айтганда, "Миллий тикланиш" демократик партияси — ҳар бир ота-онанинг манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади. Шунинг учун ота-оналар овоз беришда ана шунга алоҳида эътибор беришларини сўраймиз. Биз маънавий-маърифий ҳаётимизни янада ривожлантириш тарафдоримиз!

Бундан ташқари, партия тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада кўпайтиришга кўмаклашиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг миқёсда тарғиб этиш, ёшлар қалбида тарихий мерос ва халқ анъаналарига нисбатан чуқур ҳурмат, эҳтиром уйғотишга кўмаклашади.

**— Иқтисодиёт ҳар бир мамлакатнинг тараққиётини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Партия миллий иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшиш учун қандай вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда?**

— Партиямиз иқтисодиёт соҳасига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, бозорларимизни ўзимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш ва уни хорижнинг сифатсиз маҳсулотларидан ҳимоя қилиш, миллий брендлар яратиш ҳамда энг муҳими, соҳанинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш асосий вазифа сифатида белгиланмоқда.

Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан юксак салоҳиятга эга қудратли давлат эканлиги барчага маълум. Кучли миллий иқтисодиётни шакллантиришда "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" бренди остидаги маҳсулотларнинг жаҳон бозорларига кириб бориши йўлидаги саъй-ҳаракатларни партиямиз қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга, ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик каби миллий ишлаб чиқаришнинг анъанавий турларини ривожлантиришни ўз вазифамиз, деб ҳисоблаймиз.

Шу ўринда партиямиз туризмни ривожлантириш тарафдори эканлигини айтиш жоиз. Юртимиздаги бебаҳо меъморий обидалар — миллий-маънавий қадриятларимиздир. Бу маънавий бойликлар бутун дунёни ўзига мафтун этади. Биз ана шу бебаҳо меросни асраб-авайлаш ва бутун дунёга тарғиб қилиш бўйича кенг фаолият олиб борамиз. Сайёҳликнинг янги йўналишларини кўпайтириш, ички ва экологик туризмнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни вазифа қилиб олдик. Айни пайтда туризм ривожланиши жойларда иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, қўшимча иш ўринларини яратиш, инфратузилмани яхшилашда муҳим ўрин тутади.

Икки йирик миллий ташувчилар — "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси ва "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг ички ва ташқи бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш орқали партиямиз инсоният цивилизациясининг қадимги Шарқ ва Ғарбни бирлаштирувчи ҳамда сиёсий, иқтисодий ва маданият соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим ўрин тутадиган Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш ғоясини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

**— Партия Сайловолди платформасида суд-ҳуқуқ соҳасини янада ислоҳ қилишда ҳам бир қатор вазифалар белгилаб олинган. Ушбу йўналишда қандай омилларга таянилмоқда?**

— Суд-ҳуқуқ соҳасида партия инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини ривожлантириш, қонунларимизнинг миллий қадриятлар руҳи билан суғорилишига эришиш ва Ўзбекистон халқининг миллий анъана ва урф-одатларини ўзида акс эттирган, унга хос бўлган кечиримлилик, инсонпарварлик ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар суд амалиётига жорий этилишини устувор вазифалардан, деб билади. Юртбошимиз ташаббуси билан жорий этилган ва ҳозир кўплаб демократик давлатлар томонидан эътироф этилаётган ва ўрганилаётган, одил судловни самарали амалга оширишнинг амалий шаклларидан бири ҳисобланган ярашув институти мамлакатимизда қонунийликни мустаҳкамлаш ва жиноий қонунчиликни либераллаштириш бўйича жиддий омиллардан бири бўлди. Партиямиз ушбу ижобий тажриба кўламини янада кенгайтириш ғоясини тўла қўллаб-қувватлайди.

Шунингдек, партиямиз маъмурий-ҳуқуқбузарлик соҳасида ҳам ярашув институти қўлланишини киритиш, жабрланувчининг аризаси мавжуд бўлгандагина жиноят ишини қўзғатиш мумкин бўлган жиноят турларини янада кенгайтириш, низоларни судгача ҳал этиш тартибини такомиллаштириш ғояларини илгари сурмоқда.

**— Мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда ижтимоий соҳа муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси бу борада ўз олдига қандай вазифаларни қўймоқда?**

— Биз янги Сайловолди платформамизда ижтимоий соҳада ҳам бир қатор янги таклиф ва ташаббусларни илгари сурмоқдамиз. Бу борада аҳоли турмуш сифати ва қулайликларини ошириш — партиянинг ижтимоий соҳада олиб бораётган фаолиятининг бош мақсадидир. Шундан келиб чиқиб, партия озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни янада кучайтириш, уй-жой қурилиши ва инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли фоизларда узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратиш бундан кейин ҳам тизимли равишда давом эттирилишига кўмаклашиш вазифаси белгиланмоқда. Аҳоли бандлиги, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида миллий ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш эвазига уларни иш билан таъминлашни кенгайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Тўлов-контракт асосида олий таълимга эга бўлиш имкониятларини кенгайтириш, таълим жараёнига замонавий истиқболли илм-фан ютуқларини жорий этиш, мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш, илмий фаолиятга истеъдодли, қобилиятли ёшларни жалб этиш орқали юқори билим-малакали жамиятни шакллантиришга кўмаклашишни ўз зиммамизга олмоқдамиз.

**— Партия замон талабига муносиб равишда мамлакатимиз ҳаёти ва равнақи учун муҳим бўлган яна қандай вазифаларни ўз зиммасига олмоқда?**

— Партиямизнинг янги Сайловолди платформасида аввалгисидан фарқли равишда бир қатор янги мақсад-вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, партия ахборот соҳасига оид бир қатор масалалар бўйича ўз таклифларини илгари сурмоқда. ЎзМТДП келгусидаги фаолиятида миллий ахборот маконининг босқичма-босқич ривожлантирилиши ва шу орқали жойларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши, интернет тармоғининг миллий сегментини ривожлантириш, радиоэшиттиришлар тизимини модернизация қилишга кўмаклашади. Бундан ташқари, ёшларнинг камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини яратиш, болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилиш, миллий журналистикани ривожлантиришда давлат кафолатларини таъминлаш, ҳар томонлама истеъдодли журналистларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш партиямиз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Дарҳақиқат, бугун сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат муҳити тобора ривожланиб, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштироки кенгаяётган бир пайтда аниқ, ҳаётий ва аҳоли манфаатларига мос мақсад-вазифаларни ўз зиммамизга олиш муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, партиямизнинг Сайловолди платформасида белгиланган янги ғоя ва мақсадлар бугунги замон талабига мутаносиб, давр тақозо этаётган муҳим масалалар эканлиги билан аҳамиятлидир.

Бизнинг асосий ғоямиз — Ўзбекистоннинг буюк келажагига бор билим ва малакамиз, ижодий куч-қудратимизни бағишлаш орқали она-Ватанимизнинг миллий манфаатлари йўлида фидокорона хизмат қилишдир.

Азиз юртдошлар, "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Сайловолди платформаси халқимизнинг қадриятлари, урф-одат ва анъаналари, орзу интилишлари билан чамбарчас боғлиқ. Партиямиздан сайланадиган депутатлар юқорида таъкидланган эзгу ниятларимизни ва ғояларимизни, мақсад-вазифаларимизни рўёбга чиқаришда бутун куч ҳамда имкониятларини ишга солади!

Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари биз билан бирга бўлинг! 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларда фаол иштирок этиб, "Миллий тикланиш" демократик партияси номзодларига овоз беринг!

**Қобил ХИДИРОВ**
**суҳбатлашди.**

---

*Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Ҳотамжон КЕТМОНОВ билан суҳбат.*

# АҲОЛИНИНГ МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ТАРАФДОРИМИЗ

**— Ўзбекистон Халқ демократик партияси давлатимизнинг демократик ривожланиш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар шароитида жорий йилги сайловларда ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қандай стратегик мақсадларни илгари суради?**

— Аввало, Ўзбекистонда мамлакатни ислоҳ этиш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини модернизация қилиш ишлари босқичма-босқич, изчил ва тизимли равишда олиб борилаётганини таъкидлаш зарур. Давлат бошқарувини такомиллаштириш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни янги ғоялар асосида ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ролини кескин оширишга қаратилган қонунлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилаётгани сиёсий партияларни том маънода етук сиёсий кучларга айлантирмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг изчил амалга оширилиши эса "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини ҳаётга татбиқ этиш механизмини янада ривожлантирди. Концепцияга асосан, қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар Олий Мажлиснинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтирди, ижро ҳокимияти органларининг жавобгарлигини оширди, жамоатчилик ва парламент назоратини янада кучайтирди. Бунинг натижасида сиёсий партияларнинг давлат ҳокимиятини шакллантириш ва жамият ҳаётига таъсир кучи сезиларли даражада ошди.

Шундан келиб чиққан ҳолда ҳамда ўтган йигирма уч йил давомида ЎзХДП тўплаган тажрибага таяниб, партиямизнинг яқинда бўлиб ўтган VIII қурултойида биз сайловолди сиёсий позициямизни эълон қилдик.

Аввало, шуни айтиш keракки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ўз электорати манфаатини ҳимоя қилиш бўйича доим ўзининг аниқ мақсадларига эга бўлиб келган. Партиямиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик бирлашмалари орқали ўзининг келгуси даврдаги устувор вазифаларини Ўзбекистон тараққиётининг бош стратегик мақсади — аҳоли турмуш даражаси юқори бўлган демократик давлатлар қаторига қўшилиш вазифаларидан келиб чиқиб белгилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари, жумладан, пенсионерлар ва ногиронлар, шунингдек, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш билан шуғулланадиган бюджет ташкилотлари ходимлари, ижтимоий соҳа вакиллари манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишда фаол иштирок этишни ўзининг ўта муҳим вазифаси, деб билади.

Унга кўра, партиямиз стратегик йўналиш — мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини янада юксалтириш ғояларини илгари суради. Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатга таянган ҳолда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолининг барқарор ва муносиб ҳақ тўланадиган иш топишга интилишини қўллаб-қувватлаш, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларнинг таълим олиши, касб танлаши, ўз мутахассислиги бўйича мукаммал амалий кўникмага эга бўлиши учун тўлақонли шарт-шароитларни яратиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битиргач, уларни кафолатланган биринчи иш ўринлари билан таъминлаш, ижтимоий таъминотга эҳтиёжманд аҳоли, кам таъминланган оилалар, меҳнатга лаёқатсиз фуқароларнинг ҳаётий эҳтиёжлари қондирилишини кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақалар тизимини янада такомиллаштириш зарур.

Шу ўринда алоҳида эътироф этиш керакки, Ўзбекистон ХДП манзилли ижтимоий ҳимояга оид вазифаларни биргина давлат бюджети маблағлари ҳисобига ҳал қилиш мумкин эмаслигини яхши тушунади. Шундай экан, бу борада биз, аввало, мамлакатда меҳнатга лаёқатли аҳолининг иқтисодий фаоллиги ва ташаббускорлигини рағбатлантирувчи ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Яъни давлат ва жамият томонидан кўрсатилаётган ижтимоий ёрдам аниқ мақсадга йўналтирилиши ҳамда одамларнинг ўз ишини ташкил этиш, мустақил фаолият бошлаш бўйича ташаббусларини рўёбга чиқаришга қаратилиши керак.

Биз халқ демократиясининг умумэътироф этилган — ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат тамойилларига асосланиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражасини ошириш тарафдоримиз. Чунки фақат шу йўл билан кишиларнинг манзилли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, даромади ва турмуши даражасини ошириш ҳамда ҳаёти фаровонлигини самарали таъминлаш мумкин.

**— ЎзХДП кўпчилик юртдошларимизнинг ҳаётий манфаатларидан келиб чиқиб, ўз олдига долзарб вазифаларни қўймоқда. Одамларнинг партияга ишончи унинг аввалги сайловларда берган ваъдалари қай даражада бажарилганига боғлиқ...**

— Жуда тўғри масалани кўтардингиз. Бугунги кунга келиб, ҳамюртларимизнинг сиёсий онги, ҳуқуқий билимлари сезиларли равишда ўсган. Ҳар бир қарорни қабул қилишдан аввал чуқур мулоҳаза қиладилар. Шунга кўра, сайловда одамлар қайси партия номзодларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида бир қарорга келиши ўтган даврда партия ўз ваъдаларини қай даражада бажарганига бевосита боғлиқ.

2009 йилги сайловларда Ўзбекистон ХДП кўрсатган номзодларнинг 32 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган эди. Ўтган давр мобайнида улар томонидан қонунлар лойиҳалари устида ишлашга алоҳида эътибор қаратилди ва партиямизнинг Сайловолди платформасида қонунчилик соҳасида белгиланган аксарият вазифалар бажарилди. Фракциямиз аъзолари қонунчилик ташаббуси сифатида 30 дан зиёд қонунлар лойиҳалари устида иш олиб борди. Фракция беш йил давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган 185 та қонун лойиҳаси, Давлат бюджети лойиҳаси, Бандлик дастури лойиҳаси ва уларнинг ижросини кўриб чиқди ҳамда бошқа масалаларни муҳокама қилди. Қонунлар лойиҳаларида партиянинг дастурий ғоялари ва электорати манфаатларини акс эттириш мақсадида Қонунчилик палатасига 2010 — 2014 йилларда киритилган қонунлар лойиҳалари юзасидан 1170 дан зиёд таклифлар тегишли қўмиталарга тақдим этилди. Бу таклифларнинг аксарияти қабул қилинаётган қонунларда ўз ифодасини топди.

Гап партиямиз Сайловолди платформасининг жойлардаги ижроси ҳақида борар экан, бу борада ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларидаги депутатларимиз муҳим роль ўйнаганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида 41 фоиздан ортиғини ташкил этадиган бизнинг депутатларимиз, ҳақиқатан ҳам, катта кучга эга эканини амалда кўрсатди. Уларнинг ташаббуси билан янги иш ўринлари ташкил этиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, аҳоли яшаш пунктларида ижтимоий инфратузилмани, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, уй-жой-коммунал хизматлари сифатини ошириш ва бошқа кўплаб долзарб ижтимоий масалалар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида кўриб чиқилди. Буларнинг натижасида жойларда жуда кўп ижтимоий масалалар ўз ечимини топди, партиямиз электорати вакилларини ташвишга солаётган муаммолар ҳал этилди.

Умуман олиб қарайдиган бўлсак, бугунги Ўзбекистон ХДП бундан беш йил олдинги партия эмас, балки у ўз сафини тобора кенгайтириб бораётган, фаол фуқаролик позициясига эга аъзоларни бирлаштирган, мамлакатнинг барча туманлари, ҳатто олис қишлоқларини ҳам қамраб олган кучли партиявий тизимга, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ташаббускор фракцияга эга бўлиб, давлат ва жамият ишларини бошқаришда сезиларли таъсир кўрсата оладиган сиёсий кучга айланди.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, айтишимиз мумкинки, биз катта ишонч ва масъулият билан сайлов кампаниясида иштирок этаяпмиз ҳамда келгусида ҳам партия тузилмалари, хусусан, 10 мингга яқин бошланғич ташкилотларимиз, туман, шаҳар, вилоят партия кенгашларимиз кучини, вакиллик ҳокимиятида эга бўладиган салоҳиятимизни сайловолди ваъдаларимизни бажаришга қаратамиз.

**— Таъкидлаганингиздек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳолининг манзилли ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини илгари суриб келмоқда. Бу борада партиянинг янги Сайловолди платформасида қандай аниқ вазифалар белгиланган?**

— Шуни алоҳида қайд этиш керакки, биз ижтимоий адолат ва ижтимоий тенглик каби халқ демократияси тамойилларига амал қилган ҳолда, давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд, касбий малака, доимий иш жойи ва маошга эга бўлмаган ёлланма ишчилар, иқтисодиётда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган кишилар, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар манфаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилганмиз.

Партиямиз иқтисодий ислоҳотларга — ижтимоий самарадорлик шиорини илгари суриб, бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилган ва энг аввало, жамият манфаатларига қаратилган бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Ўзбекистон ХДП учун асосий сиёсий йўналиш, бу — электорат манфаати учун кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилишини янги босқичга кўтаришдан иборат.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли муносиб ҳақ тўланадиган ишга эга бўлиши зарур. Уларнинг шахсий ташаббуслари ҳамда тадбиркорлигини рағбатлантириш, мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларнинг иш ўринларига эга бўлишлари учун адолатли, тенг шарт-шароитларни яратиш, пенсионерлар, меҳнатга лаёқатсиз аҳоли, меҳнат қила олмайдиган бошқа ижтимоий гуруҳлар ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришни кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг янада самарали тизимини вужудга келтириш, иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий сиёсатни олиб боришда давлатнинг тартибга солувчилик ролини мустаҳкамлаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биз мамлакатимизда иш ўринлари ташкил этиш ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражасини ошириш, банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, жумладан, ёшлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини муносиб ҳақ тўланадиган барқарор иш ўринлари билан самарали таъминлаш, бандлик дастурларининг асосий параметрларини ишлаб чиқишда фаол қатнашиш ва уларнинг ижро этилиши устидан самарали парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатишга кўмаклашиш бўйича янги вазифаларни белгилаб олдик.

Аҳолининг кам даромадли қатламлари ва ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган кишиларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлашда электорат вакиллари учун микрокредитлаш ва микромолиялаш тизимини янада ривожлантириш, ногирон ва ёлғиз кексаларга моддий ёрдам бериш имкониятларини кенгайтиришнинг меъёрий асосларини ишлаб чиқиш муҳим ҳаётий аҳамиятга эгадир.

Партия аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламларига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва фуқароларнинг ижтимоий манфаатларига дахлдор бошқа масалаларга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишни мажбурий этиб белгилаш зарур, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, Ўзбекистон ХДП давлатнинг монополияга қарши тартибга солувчи ролини янада такомиллаштириш, ижтимоий аҳамиятга эга товарлар ва хизматлар нархларини шакллантириш устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш, аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдам ва хизматлар сифати ва оммабоплигини янада ошириш, тўлов-контракт асосида таълим олаётган кам даромадли оилалардаги талабалар учун имтиёзли таълим кредитлари ажратиш тизимини янада соддалаштириш масалаларини муҳим, деб ҳисоблайди.

Партия соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бандлик, аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш соҳаларида ва муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бошқа масалалар юзасидан давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари янада фаол иштирок этишини рағбатлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда фаол иштирок этишни режалаштирмоқда.

**— Табиийки, ҳар бир сиёсий партия сайловларда муносиб иштирок этиб, вакиллик ҳокимиятидан энг кўп депутатлик ўринларини эгаллашга интилади. Бундай мақсадга эришиш партия ўз сайловолди кампаниясини қай даражада ташкил этишига ҳам боғлиқ, албатта...**

— Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини шакллантиришда ЎзХДПнинг иштирокини кенгайтириш бугунги кунда бизнинг энг асосий вазифамиздир. Бунинг учун партиянинг сайловолди тарғиботини энг замонавий сиёсий технологиялар, жамоатчилик билан алоқаларнинг илғор усуллари асосида ташкил этиш, муҳим ижтимоий-иқтисодий, сиёсий масалалар юзасидан партиянинг позициясини ёритишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш талаб этилади. Бундан ташқари, бошқа сиёсий кучлар билан рақобатда партия ғоялари, мақсад ҳамда вазифаларини қатъий ҳимоя қилиш муҳим принципиал вазифадир.

Сиёсий кучлар вақти-вақти билан ўз қарашлари, мамлакатни ривожлантириш бўйича позициясини янгилаб олади, одамлар турмуш даражасини яхшилаш бўйича таклифларини, ғояларини илгари суради. Биз ҳам янги Сайловолди платформамизда одамлар турмуш даражасини кўтариш бўйича долзарб ғояларни илгари сурдик. Сайловларда аҳолининг қанча кўп қисми бизнинг номзодларимизни қўллаб-қувватласа, биз илгари сураётган ғояларнинг амалга ошиши кафолатлари ҳам шунча мустаҳкам бўлади.

Шунинг учун ҳам сайловчиларни Ўзбекистон Халқ демократик партияси номзодларига овоз беришга чақирамиз.

**Фирюза КУБАРЕВА**
**суҳбатлашди.**

# Инсон ҳуқуқларининг мустаҳкам кафолати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўз навбатида, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ҳужжатларининг Конституцияга мослигига доир ишларни кўрувчи Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш, Конституция ва қонун нормаларига шарҳ бериш ҳамда Конституция ва қонунларда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш орқали фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилмоқда.

